

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Республика Маънавият ва маърифат



Ўзбекистон Республика Президенти Администрациясининг 2022 йил 20  
октябрдаги № 08-1900хдфу-сонли хатига асосан 24-29 октябрь кунлари  
“Маънавият фестивали” ва маданият кунлари доирасида Намангандик вилоятига  
келган меҳмонларни ётиши учун меҳмонхона ташлаш бўйича

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**БЮОРТМАЧИ:** Республика Маънавият ва маърифат маркази  
Намангандик вилоятини бўлими

Намангандик-2022

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товар ва хизматларинг характеристикиаси**

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>миқдори</b>
<b>1</b>	<b>“Маънавият фестивали” ва маданият кунлари доирасида Наманган вилоятига келган меҳмонларни ётиши учун меҳмонхона танлаш бўйича 1 донаси 380 000 сўмдан жами 6 кунга</b>	<b>72</b>

**1.2. Танлов қиймати 27 360 000 (йигирма етти миллион уч юз олтмии минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3. Кўсатиладиган хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.**

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 календар кун.**

**1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.**

## **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлими (бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.**

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар Нодира қўчаси 3-уй

**2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади**

**2.3. Танлов Ёшлар Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлими - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.**

## **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

**3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар кўйилади:**

танлов предмети қийматининг камида 3 фоизи /миқдоридаги заколат маблағларининг, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; ўз кучлари билан илгари етказиб берган махсулотлари тўғрисидаги маълумотлар; Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўtkазиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Хисобчи

Ш.Абидшаев